

5-27-2019

INTERACTIVE METHODS OF PEDAGOGICAL PROGRAMS IN TRAINING Oriental Languages

Mirzakhmedova Hulkar
h.mirzakhmedova@mail.ru

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud

 Part of the [East Asian Languages and Societies Commons](#)

Recommended Citation

Hulkar, Mirzakhmedova (2019) "INTERACTIVE METHODS OF PEDAGOGICAL PROGRAMS IN TRAINING Oriental Languages," *Oriental studies*: Vol. 1 : Iss. 2 , Article 6.
Available at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud/vol1/iss2/6

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Oriental studies* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.



ТИЛ ТАЪЛИМИ

ШАРҚ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИНТЕРАКТИВ УСУЛЛАРИ

МИРЗАҲМЕДОВА ҲУЛКАР

PhD, ТДШИ

Аннотация. Бутун дунёда ҳозирги глобаллашув жараёнида интернет имкониятларидан ва компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда, дунёнинг қайси бурчагида бўлишингиздан қатъи назар, уйдан ташқарига чиқмасдан, сифатли билим олиш имконияти пайдо бўлмоқда.

Дунёнинг нуфузли олий таълим муассасалари тажрибаси шуни кўрсатдики, таълим беришнинг замонавий кўриниши бугунги кунда оммалашиб бормоқда ва дунёнинг нуфузли олий таълим муассасалари асосий қизиқишлари масофавий электрон таълимга қаратилган. Айниқса, шарқ тилларини ўқитишда компьютер ва педагогик дастурий воситаларнинг ўрни беқиёс.

Мақолада шарқ тилларини ўқитишда педагогик дастурий воситалар – Rosetta Stone, Lingua Leo, Smart Notebookдан фойдаланишнинг самарали усуллари, фойдали томонлари ва камчиликлари таҳлили келтирилган. Шунингдек, шарқ тилларини ўқитиш бўйича норматив-ҳужуқий ҳужжатлар, Президент Қарор ва Фармойишлари, уларнинг амалдаги ифодаси ҳамда педагогик дастурий воситалар ва уларнинг шарқ тилларини ўрганишдаги ишлаш механизмлари юзасидан фикр юритилади.

Ҳозирда хорижий, хусусан, шарқ тилини чуқур ўрганишда дунё бўйича бир қатор вариантлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти талабгорнинг хоҳишидан келиб чиқиб, online шаклда ўз ифодасини топмоқда. Яъни, бу ҳолатда тил ўрганувчилар учун педагогик дастурий воситалар майдонга чиқмоқдаки, улар талабгорлар учун ҳам вақтни тежаши, ҳам маблағни тўғри сарфлаши, қолаверса, билим даражасига кўра ўз билимини янада юксалтиришига ёрдам бермоқда. Педагогик ва ахборот технологияларининг таълим жараёнига жорий этилиши таълим воситаларининг янги авлоди ва таълимнинг сўнгги турлари кўринишида ўз моҳиятига эга бўлиши билан аҳамиятлидир. Бугунги кунда таълим жараёнида қўшимча ўқув воситалари ҳисобланган мультимедиадан ҳам фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Бу каби ўқув-услубий, электрон педагогик дастурий маҳсулотлар таълим бериш тезлиги ва сифатини ҳам таъминлаши зарур. Демак, бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам хорижий тилларни педагогик дастурий воситалар ёрдамида ўрганиш маълум система сифатида шакллانган ва бу жараён давом этаётганлиги мақоламизнинг долзарблигини асослайди.

Шунингдек, педагогик дастурий воситалар ва уларнинг таълим жараёнидаги иштироки ҳақида сўз юритилиб, уларнинг тил ўрганишдаги афзалликлари ва камчиликлари систем таҳлилга тортилган, тадқиқот якунида шарқ тилларини ўрганиш бўйича педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш ва амалиётга татбиқ қилиш бўйича хулоса ва таклифлар келтирилган.

Таянч сўз ва иборалар: шарқ тиллари, педагогик дастурий восита, Rosetta Stone, Lingualeo, Smart Notebook, масофавий электрон таълим, интерактив усул, ўқиш кўникмаси, ёзиш кўникмаси, гапириш кўникмаси, эшитиш кўникмаси.

Аннотация. В нынешнем процессе глобализации во всем мире появляется возможность для получения качественного знания, пользуясь возможностями интернета и компьютерными технологиями, не выходя из дома и несмотря на то, в какой точке мира вы находитесь.

Опыт авторитетных высших учебных заведений мира показал, что в настоящее время современный вид обучения становится популярным и основной интерес авторитетных высших учебных заведений направлен на дистанционное электронное обучение. В частности, несравнима роль компьютерных и педагогических программных средств при обучении восточным языкам.



В данной статье приведен анализ эффективных способов, полезных сторон и недостатков использования педагогических программных средств при обучении восточным языкам, таких как Rosetta Stone, Lingualeo, Smart Notebook. А также рассматриваются нормативно-правовые документы, Постановления и Распоряжения Президента, их отражения в действии, педагогические программные средства и их механизмы работы при изучении восточных языков.

В настоящее время при углубленном изучении иностранных, в частности, восточных языков существует ряд вариантов в мире, большинство которых исходя из желания изучающего, выражается в форме online. Из этого следует, что в данной ситуации для изучающих языки появляются педагогические программные средства, которые помогают изучающим и время сэкономить и денежные средства правильно израсходовать, даже еще больше развить свои знания по уровню. Внедрение педагогических и информационных технологий в процесс обучения важно тем, что является новым поколением средств обучения и имеет свои особенности в виде последних форм обучения. Сегодня в процессе обучения налажено использование мультимедии, которое считается дополнительным учебным средством. Подобные учебно-методические, электронные педагогические программные продукты должны обеспечить скорость и качество обучения. Следовательно, в настоящее время в Узбекистане также изучение восточных языков с помощью педагогических программных средств сформировано в определенную систему и продолжение этого процесса обосновывает актуальность нашей статьи.

А также в статье идет речь о педагогических средствах и их участии в процессе обучения, проведен системный анализ их преимуществ и недостатков при изучении языков, в конце исследования даны выводы и предложения по использованию и внедрению в практику педагогических программных средств при изучении восточных языков.

Опорные слова и выражения: *восточные языки, педагогическое программное средство, Rosetta Stone, Lingualeo, Smart Notebook, дистанционное электронное обучение, интерактивный способ, навык чтения, навык письма, навык говорения, навык аудирования.*

Abstract. *Today, using computer technologies in quality education and teaching is very beneficial. Everyone can teach subject not leaving the house by using computer and pedagogical programming tools which named e-learning.*

The experience of prestigious higher education institutions has shown that today's modern education is becoming more and more popular, and the main interests of prestigious higher education institutions are focused on distance learning. Particularly, in teaching oriental languages.

This article includes the history of e-learning, the types of education, the types of popular e-learning systems and their analysis which named of Rosetta Stone, Lingualeo, Smart Notebook. Regulatory legal acts about teaching oriental languages, presidential orders and decrees, their actual expressions, distance learning and performance mechanism in using these pedagogical programming tools are analyzed in the article.

Throughout the current globalization process, internet access and computer technologies are explained worldwide, with the opportunity to get a quality education at world-renowned universities without leaving home. Especially, to learn oriental languages without computers is impossible.

This article is devoted to analyzing works of online language courses named Rosetta Stone, Lingualeo, Smart Notebook which everyone has used. There are things about regulatory legal acts, President Decrees and Orders and their using to learning oriental languages in Republic. The offers and conclusions about online language courses and their participation on learning oriental languages, their advantages and defects and practice them are given.

Keywords and expressions: *oriental languages, pedagogical programming tool, Rosetta Stone, Lingualeo, Smart Notebook, e-learning, interactive method, reading, writing, speaking, listening.*

Кириш. Бугунги кунда Мустақил Ўзбекистон шароитида иқтисодиёт ва жамиятдаги туб ўзгаришларни замонавий билимларни ва шарқ тилларини эгаллаган етук кадрлар- сиз амалга ошириб бўлмайд. Бу ҳақда хурматли Президентимиз Ш. М. Мирзиёев 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақида Олий Мажлисга



Мурожаатномасида Олий таълим тизимидаги ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни қайд этиб ўтдилар: “Олий ўқув юртлари нуфузини ошириш, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириб, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш лозим”¹.

Бу талаб барча Олий таълим муассасалари учун бирдек амалга киритилиши лозим бўлган долзарб масалалардан бири бўлиб қолади. Сабаби, давлатлар ва мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши, сиёсий-ижтимоий жараёнларнинг фаоллашиши ҳар томонлама етук кадрларнинг савияси ва маҳоратига боғлиқ. Бу борада давлатлар ўртасидаги стратегик-сиёсий вазиятларни ҳал этишда, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйишда шарқ тилларини чуқур биладиган, дипломатик кўникмага эга соҳа мутахассисларига талаб ортиб боради. Жаҳоннинг етук илмий нашрларида ҳам эълон қилинган мақолаларда олий таълим тизими ва уни юксалтириш омиллари ҳақида сўз боради². Қолаверса, бугунги кун интеграцияси, глобаллашув жараёнлари ҳамда дунёга бевосита чиқиш имконияти бир нечта дунё тилларини ўрганишни талаб қилмоқда. Бу ўринда тил ўрганувчидан қисқа вақт ичида мукамал ва чуқур таълим олиши, ўрганилаётган шарқ тилининг ички барча элементларини систем таҳлил қилиши, шунинг билан бирга, арзон нархга ушбу тилни самарали ўрганиши ҳар томондан талаб этилади.

“Чет тилини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро да-

ражаси (CEFR) ёзиш, ўқиш, гапириш, тинглаб тушуниш каби асосий кўникмаларни белгилаб бермоқдаки, бу босқичлар орқали шарқ тилини ўрганувчилар тўрт тоифа орқали баҳоланиб, ўз даражаларини аниқлаштирадилар.

Бугунги кунда педагог ходимлар учун ҳам тил кўникмаларини аниқлаш мазкур тўрт босқич орқали Давлат Тест Маркази (ДТМ) томонидан амалга оширилмоқдаки, шунинг ортидан педагогларга ойлик иш ҳақидан ташқари қўшимча устама ҳақ белгиланишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат, бир томондан, педагогнинг тил кўникмалари юзасидан ўз устларида ишлашларига кўмаклашса, иккинчи томондан, қўшимча маблағ орттиришларига ёрдам беради. Қолаверса, педагоглар томонидан яратилаётган ўқув адабиётларининг шарқ тилига таржимаси айнан педагог кадрларнинг ўзлари томонидан амалга оширилишига замин яратади.

Ҳозирда шарқ тилини чуқур ўрганишда дунё бўйича бир қатор вариантлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти талабгорнинг хоҳишидан келиб чиқиб, online шаклда ўз ифодасини топмоқда. Яъни, бу ҳолатда тил ўрганувчилар учун педагогик дастурий воситалар майдонга чиқмоқдаки, улар талабгорлар учун ҳам вақтни тежаш, ҳам маблағни тўғри сарфлаш, қолаверса, билим даражасига кўра ўз билимини янада юксалтиришга ёрдам бермоқда. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 1875-сон қарори³ ҳамда бу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот орқали эришилган хулосалар муайян даражада хизмат қилади.

¹ Mirziyoyev Sh. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil uchun mo‘ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2018 yil, 28 dekabr. [Appeal to Oliy Majlis on the most important priorities of the President of the Republic of Uzbekistan for 2019] Available at: <http://www.lex.uz/docs> (accessed 28.12.2018).

² Higher Education in Uzbekistan: Reforms and changing Landscape since independence. Available at: <https://www.researchgate.net/publication/303372893>.

³ Mirziyoyev Sh.M. “Chet tillarni o‘rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ 1875-son qarori. [“On Measures for Further Improvement of the Foreign Language Learning System, ”Resolution of 1857] Available at: <http://www.lex.uz/acts/1387345>.



Мақсад ва вазифа. Мақсад – Rosetta Stone, Lingua Leo, Smart Notebook каби педагогик дастурий воситалар орқали хорижий, хусусан, шарқ тилларини CEFR талаблари ва даражалари асосида ўрганишнинг илмий ва самарали асосларини ўрганишдан иборат. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- шарқ тилларини ўқитиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш;
- педагогик дастурий воситалар ва уларнинг шарқ тилларини ўрганишдаги ишлаш механизмларини ўрганиб чиқиш;
- Rosetta Stone, Lingualeo, Smart Notebook дастурий воситаларининг дастурий таъминотини таҳлил қилиш;
- педагогик дастурий воситаларнинг шарқ тилларини ўқитишдаги самарадорлигини аниқлаш;
- педагогик дастурий воситаларнинг шарқ тилларини ўқитишдаги ютуқ ва камчиликларига ойдинлик киритиш;
- хорижий, хусусан, шарқ тилларини ўрганишда педагогик дастурий воситаларнинг зарурати юзасидан хулосалар чиқариш ва таклифлар киритиш.

Усуллар. Тадқиқот усуллари сифатида таҳлилий ва қиёсий методлардан фойдаланилган бўлиб, асосан, педагогик дастурий воситаларни бир-бирига қиёслаш натижасида таҳлил олиб бориш, ўқиш, ёзиш, гапириш ва эшитиш кўникмалари ўзаро қиёсланиб, таҳлил қилинади.

Натижалар ва мулоҳаза. 2012 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 1875-сон қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра, мамлакатда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларни ўқитишнинг комплекс тизими яратилиши белгилаб қўйилган¹. Шу

¹ Mirziyoev Sh.M. “Chet tillarni o‘rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi

билан бир қаторда, таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш янада такомиллаштирилиши ҳам айтиб ўтилган².

Мазкур хайрли ишлар давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ПҚ 2909-сонли Қарори “янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва уларни олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, шу жумладан, энг янги хорижий адабиётлар сотиб олиш ва таржима қилиш, ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгиллаб бориш ҳамда шарқ тилларини ўргатишга оид замонавий аудиториялар таъминотини йўлга қўйиш масаласи ечими”га қаратилган³.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 29 августда 1845-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган ўрта махсус, касб-хунар таълими муасса-

PQ 1875-son qarori. [“On Measures for Further Improvement of the Foreign Language Learning System, ”Resolution of 1857] Available at: <http://www.lex.uz/acts/1387345>; O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risidagi” qonuni. [Law of the Republic of Uzbekistan “On Education”]. Available at: <http://www.lex.uz/acts>. (accessed 29.08.1997); O‘zbekiston Respublikasining “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi to‘g‘risidagi” qonuni. [Law of the Republic of Uzbekistan “On National Program of Personnel Training”]. Available at: <http://www.lex.uz/acts>.

² Mirziyoev Sh. M. “Oliy ta’lim muassasalarida ta’lim sifatini oshirish va ularni mamlakatda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarda faol ishtirokini ta’minlash bo‘yicha qo‘shimcha chora tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ 3775-son Qaror. [Resolution No. 3775 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan “On additional measures to improve the quality of education in higher education institutions and ensure their active participation in comprehensive reforms undertaken in the country.

³ Mirziyoev Sh. M. “Oliy ta’lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PQ-2909-sonli Qarori. [President resolution 2909 “On measures for further development of the higher education system”]. Available at: <http://www.lex.uz/acts/1387345>. (accessed 20.04.2017).



салари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест марказининг қарорига кўра, хорижий тиллар бўйича устама ҳақ белгилаш ва хорижий тилларни билган профессор-ўқитувчиларга кўшимча устама ҳақ бериш жорий қилинган¹.

Бугунги кунда барча педагогик фанлар бўйича педагогик дастурий воситалар мавжуд ва ривожланаётган бўлиб, улардан дарс жараёнида ва ундан ташқари фойдаланиш бўйича тадқиқотчиларнинг ўз фикрлари мавжуд. Хусусан, Г. А. Қодирова ва Н. Х. Самиговалар томонидан эълон қилинган мақолада педагогик дастурий воситалар компьютер технологиялари ёрдамида ўқув жараёнини қисман ёки тўлиқ автоматлаштириш учун қўлланилиши борасида фикр юритилади².

Адабиётларда қайд этилишича, педагогик дастурий воситалар – ўқув материални тақдим этишнинг тушунчали, образли ва ҳаракатли компонентларининг ўзаро боғлиқлигига таянган ҳолда қурилади³. Шу ва шу каби кўплаб тадқиқотчиларнинг мавзуга доир фикрларини келтириш мумкин.

¹ Mirziyoev Sh.M. “Chet tillarni o‘rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ 1875-son qarori. [“On Measures for Further Improvement of the Foreign Language Learning System, ”Resolution of 1857] Available at: <http://www.lex.uz/acts/1387345>.

² Qodirova G.A., Samigova N. X. Pedagogik dasturiy vositalar-zamonaviy texnologiyalarning o‘qitish vositasi. [Pedagogical software tools – modern teaching technologies]. Available at: http://fikir.uz/blog/Tosh_far_M_I/pedagogik-dasturiy-vositalar-zamonaviy-tehnologiyalarning-itish-vositasi.html. (accessed 16.04.2015).

³ Xamidov V.S. Ta’lim tizimida keskin burilishga sabab bo‘lgan 4 dastur haqida. [About four programs that have a sharp turn in education]. Available at: <http://uz.infocom.uz>. (accessed 12.21.2009).

Мақоламизга оид диққатга сазовор тадқиқот бу – В. С. Ҳамидовнинг 2009 йилда интернет орқали эълон қилинган “Таълим тизимида кескин бурилишга сабаб бўлган 4 дастур ҳақида” мақоласи бўлиб, унда физика ва кимё фани билан шуғулланувчилар учун педагогик дастурий воситалар ва улардан фойдаланиш асослари, мазкур педагогик дастурий воситаларнинг хусусиятлари, унинг ишлаш принциплари ва ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари учун барча имкониятлар борасида фикр юритилади. Мазкур мақолада қайд этилишича, “таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил қилишнинг сифат кўрсаткичлари бўйича жаҳон андозалари даражасига кўтариш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини юртимизда кенг жорий этиш методикасини яратиш долзарб услубий масалалардан ҳисобланади”⁴.

Юқорида кўрсатилган дастурларни омма-лаштириш мақсадида ва талабаларга дарс жараёнида ўтиладиган мультимедиа маърузаларини олдиндан уларга тақдим этиш мақсадида муаллиф томонидан “Таълимга янги нигоҳ” шиори остида сайт яратилган. Бу сайтлардан талаба ва ўқитувчилар физика фанидан маърузаларнинг электрон кўринишини кўчириб олишлари ва виртуал лаборатория ишларини тўғридан-тўғри online режимда бажаришлари мумкин бўлди.

Кўриб ўтилган мақолаларда хорижий тилларни ўрганиш бўйича яратилажак педагогик дастурий воситалар борасида фикрлар оз. Шунга қарамаздан, тил ўрганиш бўйича яратилган дастурий воситалар етарли ва назаримизда, улар анча мукамал. Шунинг учун ҳам уларнинг самараси ва камчиликлари борасида таҳлил олиб бориш келажакда яратиладиган яна бошқа педагогик дастурий воситаларнинг ёрқин келажакига хизмат қилади.

Юқоридаги ҳолатларнинг барчаси бугунги кунда хорижий, хусусан, шарқ тилларини

⁴ Xamidov V.S. Ta’lim tizimida keskin burilishga sabab bo‘lgan 4 dastur haqida. [About four programs that have a sharp turn in education]. Available at: <http://uz.infocom.uz>. (accessed 12.21.2009).



ўқитишда замонавий таълим бериш тизими-ни жорий қилиш, қолаверса, янги педагогик дастурий воситалардан фойдаланилган ҳолда, тил ўргатишнинг янги босқичини белгилаб беришига асос вазифасини ўтайди.

Тил кўникмалари интеграцияси CEFR меъёри бўйича тил ўрганишнинг тўрт кўникмаси: ўқиш ва ёзиш, сўзлашиш, тинглаб тушуниш бўйича кўникмаларни интеграллашган ҳолда ривожлантиришга хизмат қилади, шунингдек, оғзаки нутқ амалиётига алоҳида урғу берилади. Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўқитиш, ўрганиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэтироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR) бўйича чет тилларини босқичма-босқич C1 даражасига етказиб, амалда қўллаши шарқ тилларини ўрганишдаги юқори босқич ҳисобланади. CEFR даражалари тилнинг оғзаки ва ёзма шакллариини интеграллашган ҳолда ўргатиш, уларнинг турли контекстлардаги мулоқот малакаларини ривожлантириш, хусусан, ўрганилаётган чет тили кўникмалари тўғрисидаги амалий ва назарий билимларини такомиллаштириш ҳамда эгалланган билим, кўникма, малакаларини касбий ва илмий фаолиятда эркин қўллай олишларини талаб қилади.

Шарқ тилларини ўқитиш бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига талаблар қуйидагилардан иборат:

1) хорижий (шарқ) тилини умумевропа стандартларига кўра C1 даражада ўзлаштириши;

2) ўрганилаётган хорижий (шарқ) тилида ўқиш, тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмаларини эгаллаши;

3) тил кўникмаларини такомиллаштириш билан бир қаторда, трансвербал кўникмаларни ҳам шакллантириши;

4) ўзининг тил кўникмаларини ривожлантириш борасидаги фаолиятини баҳолай олиши ва рефлексия кўникмаларини қўллай билиши;

5) хорижий (шарқ) тилида оғзаки ва ёзма нутқ амалиёти бўйича тасаввур, билим, малака ва кўникмаларга, компетенцияларга эга бўлиши талаб этилади.

Бугунги кунда яратилаётган ҳар бир педагогик дастурий воситалар ана шу мақсаднинг бекаму кўст амалга оширилишини таъминлаб бериши лозим. Акс ҳолда, яратилган замонавий педагогик дастурий воситалар кўлами ва даражасидан қатъи назар, ўз самарасини бериши қийин. Бу каби талабдан келиб чиқиб, яратилаётган дастурий воситалар компьютер, планшет, ҳатто мобиль воситалар учун мослаштириб яратилмоқдаки, бу ҳолат ҳар қандай шароит ва ҳар қандай ҳолатда самарали таълим олишга шароит яратиш, қолаверса, глобаллашув жараёнида дунё бозоридан ўз харидорларига эга бўлишни таъминламоқда.

Таҳлилга тортмоқчи бўлган илк педагогик дастурий восита – Rosetta Stone дастурий таъминотидир. Мазкур педагогик дастурий восита 30 дан ортиқ хорижий тилларни ўргатишга мўлжалланган бўлиб, CEFRнинг ўқиш, тинглаб тушуниш, грамматик машқ бажариш каби даражалари бўйича кўникмаларни шакллантиришга қаратилган. Унинг мавзу кўлами ва машқлар тўплами кенг.

Rosetta Stone педагогик дастурий воситасининг бошқа дарслик ва қўлланмалардан фарқи шундаки, грамматик қоидаларни фақат машқлар орқали ўрганилаётган чет тилида тушунтириб беради. Бундан ташқари, машқлар орқали грамматик қоидаларнинг ўрганилишига ёрдам беради¹.

Унда сўз бойлигини оширишга қаратилган қатор машқлар мавжудки, бу талабларда B2 даражасигача бўлган сўзликлар ўз ифодасини топган. Бу ерда асосий муаммо – улардан гапириш кўникмасини шакллантиришда унумли ва самарали фойдаланиш заруратининг мавжудлигидир. Шунини инобатга олиб, дастур тузувчилар ибора ва кундалик ҳаётда ишлатилувчи сўз бирикмаларини ҳам келтирганлар. Қолаверса,

¹ Mirzaxmedova H. V. Pedagogik dasturiy vositalardan foydalanilgan holda xorijiy tillarni o'qitishning interaktiv usullari. Oliy ta'lim tizimi pedagog va rahbar kadrlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirishni tashkil etish bosh ilmiy-metodik markazi uchun yozilgan bitiruv ishi. [Interactive methods of teaching foreign languages using pedagogical software]. Tashkent, 2019. -Б.14.



эшитиш кўникмаси учун қатор овозли машқлар келтирилган бўлиб, бу ҳам ўрганилаётган тилнинг товуш имкониятларини, фонетик қурилмаси, морфологик тузилмаси борасида тасаввурга эга бўлишларига туртки бўлади.

Lingua Leo дастурий таъминоти. Бугунги кунда 18 000 000 абоненти мавжуд бўлган, 17 тадан ортиқ дунё тилларини ўзида жамлаган педагогик дастурий восита бу – *Lingua Leo* дастурий таъминоти ҳисобланади. Бу дастур компьютерда фойдаланиш учун ишлаб чиқилган дастурий таъминот бўлиб, бир вақтнинг ўзида унинг мобиль телефонлари ва планшетлар учун ҳам версиялари тақдим қилинган. Бу эса тил ўрганувчиларга қатор қулайликлар яратади.

Тил ўрганишнинг халқаро стандарти – CEFR талабларини бажариш учун: 1) ўқиш; 2) ёзиш; 3) тушуниш; 4) луғат бойлиги каби кўникмалари ишлаб чиқилган. Шунингдек, унда А+ ва А1 даражасидан бошлаб токи В2 ва В2+ даражасигача мавзулар қамралган. Бу дастурий таъминотни юклаш учун электрон почта орқали рўйхатдан ўтилади ва дастлабки А+ босқичи учун йўлланма олинади. Аввалига ўқувчининг билим даражасини аниқлаш учун машқлар берилади. Ҳар бир машқ грамматик қоидаларни ўзида акс эттирган жумлалардан иборат бўлади, бу машқлар муваффақиятли ҳал этилганидан кейин дастурий таъминотнинг ўзи тил ўрганувчининг билим даражасини автоматик равишда аниқлайди ва кейинги билим даражасини дастурнинг ўзи белгилаб беради. Кейинги босқичда, CEFRнинг қайси даражаси бўлишидан қатъи назар, биргина хато ёки тўғри жавоб орқали савол ва топшириқлар осонлашади ёки қийинлашади. CEFRнинг А+ ва А1 даражасини ўзлаштирган тил ўрганувчи кейинги босқичга ўтиши учун маълум тўловни амалга ошириши талаб этилади.

Lingua Leo дастурий таъминотининг созиламалар бўлимида қатор қулайлик ва тавсиялар мавжуд бўлиб, тил ўрганувчи томонидан бир вақтнинг ўзида улар билан танишувга имкон бўлади. Бундан ташқари, маълум бир тилнинг бошланғич даражасидан бошлаб маърузалар, мультфильм ва видеофильмлар,

илмий-техник тараққиёт бўйича қатор мақолалар келтирилган бўлиб, улар бўйича глоссарийлар ҳам бериб ўтилган. Бу эса юқорида назарда тутилган эшитиш, ўқиш, тушуниш, гапириш кўникмаларини шакллантиришларига кўмаклашади.

Lingua Leo дастурий воситаси анимацион расмли ҳамда рангли шаклда тайёрланган бўлиб, энг аввало, мактаб ўқувчилари, талабалар, қолаверса, ўрта ёш вакилларини ҳам ўзига жалб эта олади. Бу дастур CEFR даражалари бўйича қуйидаги тартибда ишлайди:

Эшитиш (Listening) кўникмасини шакллантиришда:

Тил билиш даражасига кўра маълум аудио, фильм ёки мультфильм (бир жумладан бир неча жумлагача) бериб, кейин қатор сўзлар беради ва уларни эшитилган аудио ёзуви тартибда жойлаштириб бериши лозим. Масаланинг аниқ ёки нотўғри бажарилганини дастур белгилайди. Бу вазиятда дастур интернетга уланган бўлиши лозим. Шу тарзда, агар вазифа тўғри бажарилса, кейинги вазифалар осонлашиши ёки, аксинча, қийинлашиши мумкин.

Гапириш (Speaking) кўникмасини шакллантиришда:

Тил билиш даражасига кўра, маълум аудиофайл ўқиб эшиттирилади, кейин уни қайтадан талаффуз қилиш учун вақт ва имконият берилади. Вазифа аниқ ва тўғри бажарилса (яъни, тўғри талаффуз этилса), *гапириш (speaking)* кўникмасининг кейинги босқичига ўтилади.

Ўқиш (Reading) кўникмасини шакллантиришда:

Танланган даражага кўра, маълум қийинчиликдаги матн берилади. Келтирилаётган матн тил ўрганувчи даражасига мувофиқ 200 тадан 2000 тагача символдан иборат бўлиши мумкин. Жумлалар таркибидан маълум сўзлар тушириб қолдирилган ва улар қуйида келтирилган бўлади. Ўрганувчининг билим даражасига кўра вақт белгиланади. Ўқувчи мазкур матнни ўқиб кетиш давомида тушириб қолдирилган сўзларни ўз ўрнига қўйиш



орқали вазифани бажариши керак бўлади. Ҳар бир сўз ўз ўрнига қўйилмагунга қадар вазифа бажарилмаган бўлади. Бу даражани давом эттиришни истаган ўқувчига қийинчилик даражаси орттирилган ҳолда яна топшириқ берилади.

Ёзуш (Writing) кўникмасини шакллантиришда:

Бу кўникмани амалга оширишда тайёр сўзлар берилади, тил ўрганувчи улардан бирини танлаш билан вазифани амалга ошириши мумкин.

Бошқа педагогик дастурий воситалар сингари ушбу дастурий таъминот ҳам қатор қулайлик ва соддаликка эга бўлиб, тил ўрганувчининг ёши ва савиясидан қатъи назар, тил ўрганишнинг барча аспектиларини тартибга солади.

Smart Notebook дастурий таъминоти. Мазкур дастурий таъминот шарқ тилини ўқитишда машқларни мустақамлаш, қолаверса, ўқувчи ёки талабаларнинг мустақил таълимини ташкил қилишда, маълум мавзунини ўргангандан сўнг уларни ўзлаштиришлари юзасидан хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Педагогга эса маълум мавзу ёки дарс юзасидан тақдимотлар тайёрлашга, мавзу якунида эса “ақлий хужум версияси” доирасида савол ва топшириқлар ташкил этишда кўмаклашади.

Smart Notebook дастурий таъминотининг структураси билан танишиб чиқиш чоғида

шундай хулосага келдикки, унда 7 000 дан ортиқ PDF расмлар, мавзуй сурачлар, аудио ва видео файлларнинг бой архивлар, шаблон ва намуналар, 3D анимациялар, иллюстратив ва интерактив материаллар жамланган бўлиб, мавзуга тайёрланишда анчагина қулайлик яратади. Шунингдек, катта масштабдаги математик, физик ва кимёвий формулалар ва улар доирасида бажарилувчи функциялар жамланмаси мавжуд бўлиб, ҳаммаси базага киритилган. Smart Notebook дастурий таъминоти, асосан, интерактив таълимни амалга оширишда, қолаверса, дарснинг ўйин шаклида ташкиллаштирилишида жуда қулай. Бу дастурий таъминот кроссвордлар, савол-жавобларни анимацион шаклда яратиш учун тайёр шаблонлардан ташкил топган. Бу эса педагогга дарсга тайёрланиши учун қулай имкониятлар яратади ва унинг ишини осонлаштиради.

Rosetta STONE, Lingua Leo ва Smart Notebook дастурий таъминотлари юқорида таъкидланганидек, ҳар томонлама – грамматик хатолар устида ишлаш, луғат бойлигини орттириш, машқлар бажариш, туширилган сўзларни топиш, эшитиб тушуниш каби кўникмалар орқали шарқ тилини ўргатишга бағишланган педагогик дастурий воситалар ҳисобланади. Юқорида уларнинг ҳар бирининг ишлаш принциплари таҳлил этилди. Қуйида уларнинг афзалликлари ва камчиликлари кўриб ўтилади:

Педагогик дастурий воситаларнинг

Афзалликлари:	Камчиликлари:
<ul style="list-style-type: none"> ➤ Маблағни тежаш имкониятини оширади (яъни репетиторга ортиқча маблағ сарфланишидан ҳимоя қилади); ➤ Шарқ тилини ўрганишнинг бошланғич нуктасидан бошлаб ўргатади; ➤ тил ўрганишнинг халқаро талаби бўлган CEFR бўйича машқлар билан таъминланган; ➤ Дастурий таъминот “қоғоз ва ручкадан воз кеч ва тил ўрган” шиори остида ишлайди; ➤ дастурий воситалар грамматик қоидаларни фақат машқлар орқали тушун- 	<ul style="list-style-type: none"> ➤ устоз-шогирд, жонли таълим олиш имкониятини пасайтиради; ➤ Шарқ тилини ўқитишда CEFRнинг фақатгина B1 ва B2 даражасигача олиб чиқа олади; ➤ Қоидалар фақат конструктив тарзда ўқитилади (талаба фақат англаса, шунинг ўзи етарли, тарзида); ➤ Бу ҳолатда бошқа аудиофайллардан ҳам фойдаланиб, ўрганса бўлади; ➤ ўқувчи тинглаб тушуниш кўникмаси учун аудио ва видеофайлларни бошқа жойдан ҳам излаб топиши мумкин;



<p>тириб беради;</p> <ul style="list-style-type: none"> ➤ ўқувчида тинглаб тушуниш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради; ➤ ўқиш кўникмасини максимал шакллантиришга ҳамда ўз устида ишлашга кўмаклашади. 	<ul style="list-style-type: none"> ➤ педагогик дастурий воситаларнинг маълум қисмигина бепул бўлиб, қолгани маълум суммага сотиб олинади. Таълимнинг бу даражаси кафолатланмаган; ➤ педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш талабаларда ёзиш кўникмасининг шаклланишига тўсқинлик қилади. Аксинча, талабаларда бехато ёзиш бўйича кўникмани шакллантириш ва ривожлантириш лозим.
---	---

Хулоса. Бугунги кунда етакчи мутахассислар томонидан тақдим этилаётган таълим технологияларида янгича ўқитиш модели таълим тизимида талабалар ва ўқитувчининг роли ўзгаришига асосланган. Бунда, асосан, талабаларнинг мустақил равишда ҳамда замонавий педагогик воситалардан фойдаланилган ҳолда таълим олишлари назарда тутилади. Олий таълим тизимида талабаларга шарқ тилларини ўқитишда педагогик дастурий воситалардан фойдаланишнинг самаралари ҳақида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Бугунги кун интеграцияси, глобаллашув жараёнлари ҳамда дунёга бевосита чиқиш имконияти бир нечта дунё тилларини ўрганишни талаб қилмоқда. Бу ўринда тил ўрганувчидан қисқа вақт ичида мукамал ва чуқур таълим олиши, ўрганилаётган шарқ тилининг ички барча элементларини систем таҳлил қилиши, шунинг билан бирга, арзон нархга ушбу тилни самарали ўрганиши ҳар томондан талаб этилади. Қолаверса, “Чет тилини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умум-эътироф этилган халқаро даражаси (CEFR)ни эгаллаши кун вазифасига айланмоқда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрда “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 1875-сон қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Президент Қарорлари шарқ тилларини ўргатишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш, қолаверса, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари – АКТлардан фойдаланишнинг самарали тизи-

мини жорий этиш бўйича фармойишлар чиққан бўлиб, улар шарқ тилларини ўрганишнинг замонавий усулларида фойдаланиш учун замин яратади. Бу борада педагогик дастурий воситалар ёрдамга келади.

3. Ҳозирда шарқ тилини чуқур ўрганишда дунё бўйича бир қатор вариантлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти талабгорнинг хоҳишидан келиб чиқиб, online шаклда ўз ифодасини топмоқда. Яъни, бу ҳолатда тил ўрганувчилар учун замонавий педагогик дастурий воситалар майдонга чиқмоқдаки, улар талабгорлар учун ҳам вақтни тежаш, ҳам маблағни тўғри сарфлаш, қолаверса, билим даражасига кўра ўз билимини янада юксалтиришга ёрдам бермоқда. Педагогик дастурий воситалар – ўқув жараёнини қисман ёки тўлиқ автоматлаштириш учун мўлжалланган дидактик восита ёрдамида компьютер технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади ҳамда улардан фойдаланилган ҳолда шарқ тилларини ўрганишни соддалаштиради.

4. Бугунги кунда шарқ тилларини ўрганиш учун 50 дан ортиқ педагогик дастурий воситалар яратилган бўлиб, улардан фақатгина Rosetta STONE, Lingua Leo ҳамда Smart Notebookлар тадқиқот учун таҳлилга тортилган. Қолаверса, улардан фойдаланувчиларнинг сони нисбатан кўп.

5. Педагогик дастурий воситалар орқали шарқ тилларини ўрганиш – талабаларнинг тил билишидаги даражасини аниқлаштириб, унинг юқори, ўрта ва қуйи босқичларини белгилаб беришга имкон яратади. Бу эса, келажакда, тил ўрганувчиларнинг тил билиш даражасига кўра таълимни давом эттиришлариغا замин яратади.



6. Педагогик дастурий воситалар индивидуал таълим бериш имкониятига эга бўлиб, ўрганувчининг бўш вақтларида таълимни ташкил қилишни таъминлайди.

Педагогик дастурий воситалардан шарқ тилларини ўқитишда самаралироқ бўлиши учун қуйидаги таклифларни киритмоқчимиз:

1. Педагогик дастурий воситалардан шарқ тилларини ўқитишда дарс жараёнида фаол фойдаланиш мумкин. Аммо уни ўқитувчининг ўрнини босувчи восита сифатида баҳоламаслик лозим.

2. Педагогик дастурий воситаларни шарқ тилларини ўрганишнинг дастлабки босқичларида, қолаверса, тил ўрганишнинг кўшимча воситаси сифатида қабул қилиш мумкин.

3. Бугунги кунда CEFR даражаларига мос равишда тил ўрганиш талаб этилаётган экан, бу борада педагогик дастурий воситалар кўшимча манба вазифасини ўтайди. Аммо

ёзиш кўникмасини юқори босқичларга чиқилишини таъминлай олмайди. Педагогик дастурий воситаларда “Smart ёзиш” бўйича қулайликлар яратилса, ўрганувчида ёзиш кўникмасини аъло даражага олиб чиқишига имкон яратилган бўлади.

4. Олий таълим тизими барча соҳаларда юқори малакали мутахассислар тайёрлаши лозимлигини инобатга олганда, педагогик дастурий воситалар таълим беришда иккиламчи воситага айлантирилиши, бирламчи восита сифатида қаралмаслиги лозим.

5. Бугунги кунда педагогик дастурий воситалардан мустақил фойдаланувчиларнинг сони ортаётганлигини инобатга олганда, CEFR даражаларига мос машқларнинг кўпайтирилиши, ҳар бир тилнинг энг нозик томонларигача ўргата олиши учун мукамаллаштирилиши лозим.

